



## Суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг янги тартиби белгиланди.

Учқудук туман иқтисодий  
суди раиси  
Д.Турдиев

### Аннотация

Мазкур маколада Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-888-сонли Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан судларга шикоят қилишнинг янги тартиби жорий қилинганлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада мустаҳкамланганлиги, шунингдек уларнинг суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтганлиги кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** суд, ҳуқуқ, апелляция, кассация, тафтиш, жисмоний шахс, юридик шахс, Қонун, мулк, иқтисод, кодекс.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига кўра, фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда **иқтисодий фаолият, тадбиркорлик** ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлади.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг teng ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан судларга мурожаат қилинганда, уларнинг талаблари, важлари судлар томонидан тўлиқ ўрганилиб, қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилинмоқда.

Зоро, 2023 йил 25 декабрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва



кўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-888-сонли Қонуни қабул қилиниши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур Қонун билан суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг янги тартиби жорий қилинди. Яъни 2024 йил 1 январдан бошлаб:

- Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишлар вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида,

- вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар мазкур судларда тафтиш тартибда,

- вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида қайта кўрилиши,

- алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилган ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида тафтиш тартибида қайта кўрилиши белгиланди.

Шунингдек, апелляция ва кассация инстанциялари судлари томонидан ишларни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судларига юбориш тартиби бекор қилинди ҳамда уларнинг зиммасига иш бўйича яқуний қарор чиқариш масъулияти юклатилди.

Холоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ушбу қабул қилинган Қонун судьяларнинг масъулиятини оширишга, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўришга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга ҳамда халқимиз манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга хизмат қиласди.

